


“ТАСДИҚЛАЙМАН”
“Наманган йўл қуриш таъмирлаш” МЧЖ
Директори  Д. Хужахонов



2022й

БУЮРТМАЧИ:

“Наманган йўл қуриш таъмирлаш” МЧЖ

**2022 йил июнь-июль оyi давомида Наманган ЙҚТ
МЧЖ нинг йўл-қуриш объектлари учун йўлбоп битум
сотиб олиш учун**

ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

Туракургон т.-2022 й.

Танлов хужжатларининг мазмуни:

I. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

Ушбу йўриқнома 2021 йил 22 апрелдаги ЎРҚ№684-сонли Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонунига асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2018 йил 26 майда №3016-сон билан руйхатдан ўтказилган Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа Бошқаруви Миллий Агентлигининг “Харид тартиб-тамойилларини ташкил этиш ва ўтказиш тўғрисидаги” тартиби асосида ишлаб чиқилди

1. ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХМИНИЙ ҚИЙМАТИ

1.1 2022 йил июнь ойи давомида Наманган ЙҚТ МЧЖ нинг йўл-қуриш объектлари учун йўлбоп битум етказиб бериш учун.

1.2. Танлов объектини тахминий қиймати – **280000000,0 (икки юз саксон миллион) сўм ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда.** Ушбу қийматдан ортиқ қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

Ушбу танлов якунлари бўйича ғолиб чиққан Хизмат кўрсатувчи билан шартнома тузилади.

1.3. Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб, 31.12.2022 йилгача.

1.4 Ишларни бошлаш муддати – аванс маблағи ўтказилган кундан бошлаб ҳисобланади.

II. ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ 2.1. “Наманган йўл қуриш таъмирлаш” МЧЖ,

(бундан кейин – “Буюртмачи” деб аталади) танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

“Буюртмачи” манзили: Ўзбекистон, Наманган вилояти, Тўрақўрғон тумани, Оқтош шаҳарчаси, Осойишта кўчаси 70 уй

Эл.адрес: mbabdullaev@inbox.uz

2.2. Танлов “Буюртмачи”нинг танловлар ўтказиш бўйича тузилган Харид комиссияси томонидан ўтказилади.

2.3. Танлов “Наманган йўл қуриш таъмирлаш” МЧЖ биносида “Буюртмачи”нинг Харид комиссияси томонидан қонунда белгиланган тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

III. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, саноат ва ишлаб чиқариш объектларида хизмат кўрсатишга рухсатномаси (агар талаб этилса) бор, ҳамда камида 3 йил тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган корхоналар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги талаблар қуйилади:

- Етказиб берувчи молиявий курсаткичлари барқарор бўлиши, ишлаб чиқарилган, етказиб берилган махсулотга, мувофиқлик сертификатига эга бўлиши шарт;
- Талабномага асосан белгиланган вақтда белгиланган асфальт заводга етказиб бериши шарт;
- Етказиб берувчи Давлат рўйхатидан ўтган ва Солик қарздорлиги мавжуд бўлмаслиги керак.

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (хизматлар)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчилиққа биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

3.4. Қўйидаги талабгорларга танлов жараёнларида иштирок этишга рухсат берилмайди:

кайта ташкил этилиш (ажратилиши, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар; мол-мулки мусодара қилинганлар, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-ҳуқуқий ёки бир бирига молиявий қарамлиги мавжудлар.

IV. ТАҢЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИУЧУН АЛОХИДА ТАЛАБЛАР

4.1. Таңловда саноат ва ишлаб чиқариш объектларида ишлаган барча юридик мақомга эга бўлган корхоналар иштирок этиши мумкин.